



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
**DAVLAT VA HUQUQ INSTITUTI**

**Устозлар таваллудининг 100 йиллиги олдидан**



**УМРДОШ, ФИКРДОШ ҲУҚУҚШУНОС  
ОЛИМЛАР – ИКРОМ ЗОКИРОВ ВА  
МАМЛАКАТ ВОСИҚОВА ЎҚИШЛАРИ**

**Республика илмий конференцияси**

**Тошкент – 2024**

*Қолғон киши касби илмдин заҳмат аро,  
Фикұх ўргансун саъи ила ул меҳнат аро,  
Илм ичра шараф фиқұда бил нисбат аро –  
Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.*

**Алишер Навоий**

Мазкур тўпламдан устозлар таваллудининг 100 йиллиги олдидан Давлат ва хуқуқ институтида 2024 йил 11 марта бўлиб ўтган “Умрдош, фикрдош хуқуқшунос олимлар – Икром Зокиров ва Мамлакат Восиқова ўқишилари” мавзусидаги Республика илмий конференцияси материаллари ўрин олган. Материаллар оммавий хуқуқнинг айrim соҳалари, хусусий хуқуқнинг турли соҳаларига бағишиланган.

Умрдош, фикрдош хуқуқшунос олимлар – Икром Зокиров ва Мамлакат Восиқова ўқишилари / Илмий тўплам. – Тошкент: ЎзФА Давлат ва хуқуқ институти, 2024. 598 б.

Нашр учун масъуллар: М.Турғунов, О.Оқюлов, М.Х.Баратов, С.Бабакулов

Масъул муҳаррирлар: О.Оқюлов, М.Х.Баратов

Тўплам материалларида келтирилган факт, рақам ва бошқа далиллар учун муаллифлар масъулдирлар.

УДК 92 (092) (575.1)

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарх. 1-жилд (биринчи жилд) Адлия вазирлиги. – Тошкент: Vektor-Press, 2010. – Б.750-751; Мухаммадиев А.А. Фуқаролик хуқуки тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б.124-142; Fuqarolik va oila huquqi. Darslik / R.J.Ruziyev, V.R.Topildiyev, M.Sh.Choriyev. – Тошкент: O'R JXU, 2022. – В.33.
5. Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России. – М., Юристъ, 2001. – С.81; Романец Ю.В. Кўрсатилган асар. – Б.82.
6. Брагинский М.И. Договор подряда и подобные ему договоры. – М., Статут, 1999. – С.232.

**Баратов Миродилжон Хомуджонович,**  
**ЎзФА Давлат ва хуқуқ институти бўлим бошлиғи,**  
**юридик фанлар доктори, профессор**

**Хакимов Равшан Тулкунович**  
**ЎзФА Давлат ва хуқуқ институти бош илмий ходими,**  
**юридик фанлар доктори, доцент**

**Акрамходжаев Бори Тоҳтаходжаевич**  
**ЎзФА Давлат ва хуқуқ институти катта илмий ходими, юридик**  
**фандар номзоди, доцент**

**Жаҳон савдо ташкилотининг хужжатларини Ўзбекистон**  
**қонунчилигига имплементация қилишнинг назарий-амалий**  
**муаммолари**

**Аннотация:** муаллифлар мазкур мақолада Жаҳон савдо ташкилотининг хужжатларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилишний назарий-амалий муаммоларини кўриб чиқиб, назарияда мавжуд бўлган нуқтаи назарларни ва уларни амалий жиҳатдан кўринишини, ЖСТнинг қоида ва стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация бўлаётганини ва ЖСТнинг фаолиятига алоқадор муҳим жиҳатларни таҳлил қилганлар.

**Калит сўзлар:** Жаҳон савдо ташкилоти, халқаро ҳуқуқ нормалари, давлатнинг ички қонунчилиги, имплементация, инкорпорация, ҳавола, рецепция, савдо турлари, экспорт, импорт, савдо сальдоси, ЖСТнинг Ҳужжатлар базаси.

Жаҳон савдо ташкилотининг расмий ҳужжатлари тўғрисида гапирсак, мазкур ҳужжатларининг ўзига хос ҳужжатлар базаси яратилган бўлиб, ундан он-лайн тартибида фойдаланиш таъминланади. Ҳужжатлар Базаси 1995 йилдан бошлаб ишга туширилган ва учта расмий тилда йифилган бўлиб, ўзида 100 000 ортиқ ҳужжатларга эга. ЖСТнинг барча ҳужжатлари PDF ва WORD форматида жойлаштирилган. Унинг Каталог иловаси тавсиф этиш қайдномаларига эга ва ҳар бир архивда сақланаётган ҳужжат тўғрисида маълумотга эга бўлиб, маълумотлар билан танишиш имкониятини таъминлайди. Ҳужжатлар билан бевосита он-лайн тартибида, шунингдек керакли ҳужжатларни сайтдан нусҳасини олиш йўли билан фойдаланиш мумкин<sup>1</sup>.

Мазкур мақоламизда ЖСТ ҳужжатларининг Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилишнинг назарий-амалий муаммолари нима билан боғлиқ,-деган саволга жавоб берамиз. Гап шундан иборатки, 1969 йилда келишилган Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясининг 6-моддасида халқаро мажбуриятларни ихтиёрий равишда бажариш (*racta sunt servanda*) принципи қайд этилган, унинг асосий қоидалари шундан таркиб топадики “ҳар қандай ҳаракатдаги келишув (шартнома) унда иштирок этувчи томонлар учун мажбурийдир ва улар томонидан шартнома ихтиёрий тарзда ижро этилиши лозим”<sup>2</sup>. Вена Конвенциясининг 27-моддасида эътироф этилганки ҳеч қандай давлат “шартномани бажармаганлиги учун ўзининг ички қонунчилигига асосланиб, унга илова қилиб, ўз-ўзини шу сабабли оқлаш имкониятига эга эмас”<sup>3</sup>.

Э.М.Аметистов у ёки бу халқаро шартномаларга, келишгувларга, конвенцияларга қўшилган аъзо-давлатлар мазкур ҳужжатлардаги меъёрларни ўзининг ички қонунчилигига имплементация қилиш чораларини қўллаш билан боғлиқ

<sup>1</sup> Официальные документы ВТО// <https://wto.ru/about-WTO/official-documents-WTO>.

<sup>2</sup> Конвенция о праве международных договоров 1969 г. Ст. 6. Организация Объединенных Наций. URL: [http://www.un.org/rus/documents/decl\\_conv/conventions/law\\_treaties.shtml](http://www.un.org/rus/documents/decl_conv/conventions/law_treaties.shtml) (дата обращения: 12.11.2022).

<sup>3</sup> Юкоридаги манба.

мажбуриятни ўз зиммасига оладилар, - деб ҳисоблаган<sup>1</sup>. Г.Трипельнинг фикрига кўра, “олдида турган вазифани бажаришга қодир бўлиши учун халқаро хуқуқ доимо ёрдам бериш тўғрисида ички хуқуқга нисбатан мурожаат қилиши лозим. Ички хуқуқсиз, халқаро хуқуқ кўпгина ҳолларда кучга эга эмас, ожиз ҳисобланади”<sup>2</sup>.

Шунга ўхшаш фикрни машхур италиялик халқаро-хуқуқшунос А.Кассезе ҳам гапириб ўтган, чунки унинг фикрига кўра «зера халқаро хуқуқ шахсларнинг хатти-ҳаракатларини эмас, балки давлатларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солар экан, мазкур ҳол ушбу хуқукни ўз-ўзи учун етарли даражада тўлиқ бўлган хуқуқий тизим эмаслигидан далолат беради. Давлатлар на қалбга, на ўзининг иродасини мустақил ифодалашга эга эмас; улар “абстракт, фаразли” тузилмалар бўлиб, одамлар орқали ҳаракатланадилар ... Одамлар миллий хуқуқий тизимларнинг субъектлари бўлиб, улар мустақил равишда давлатнинг мансабдор шахсларини сайлаш ёки тайинлаш тартиб-таомилларини белгилаб, автоном равишда уларнинг фаолият ва ваколатлар доирасини ўрнатадилар. Айнан шу соҳада халқаро хуқуқ ички ҳокимиятга бўйсуниши (*mustbow*) лозим ... Шунинг учун... халқаро хуқуқ миллий хуқуқий тизимларнинг мунтазам ёрдами ва қўллаб-қувватловисиз ҳаракат қила олмайди”<sup>3</sup>.

“Имплементация” тушунчаси (инглиз тилидан *implementation*) сўзма сўз “маълум тартиб-таомил асосида ҳаётга татбиқ этиш”<sup>4</sup>, “амалий натижани таъминлаш ва муайян воситалар билан ишни бажариш”<sup>5</sup>, демакдир. Имплементация тушунчаси хуқуқ соҳасида ишлаб чиқилиб, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан чиқарилган кўпгина резолюцияларида, кўпгина халқаро конвенцияларида ва келишувларида кенг миқёсда ўзини ифодасини топган. Имплементация тушунчасини кенг маънодаги мазмуни, ўзига хос жараён сифатида намоён бўлади ва уни амалга ошириш даврида норма томонидан белгиланган тегишли хуқуқ субъектлари норманинг қоидаларига

<sup>1</sup> Аметистов, Э.М. Международно-правовые обязательства и внутригосударственное уголовное законодательство. –М., ИНИОН РАН, 1993. 82-с.

<sup>2</sup> Левин Д.А. Актуальные проблемы теории международного права. –М., 1974. –С.195-196.

<sup>3</sup> Cassese A. International Law in a Divided World. –N.Y., 1994. –P.20.

<sup>4</sup> Dictionary of English Language. N.Y., 1968. –P.667.

<sup>5</sup> Webster’s Third New International Dictionary. Cambr. (Mass.), 1966. –P.1134.

асосан ўз ҳаракатларини амалга оширадилар. Кўпгина ҳолларда давлатлар томонидан халқаро хуқуқнинг нормаларини ҳартомонлама ва тўлиқ амалга оширилиши учун тегишли кўшимча хуқуқий ва ташкилий чораларни қабул қилишга тўғри келади. И.И.Лукашукнинг таъкидлашича, “халқаро хуқуқ нормаларини амалга оширилиши, одатга кўра, уларни қабул қилинишига караганда янада мураккаброқ ва маъсулият даражаси бўйича янада мушқулроқ вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этилиши фақатгина уларни имплементация қилинишининг оптимал механизми мавжуд бўлганида амалга ошади, мазкур механизм эса халқаро хуқуқ субъектлар томонидан фойдаланиладиган хуқуқий ва ташкилий воситалар йиғиндиси сифатида халқаро ва миллий қонунчилик даражасида амалга оширилиб, халқаро хуқуқ нормаларидағи талабларни амалга ошириш мақсади билан боғлиқ бўлади”<sup>1</sup>. Кўпгина халқаро хуқуқ нормаларининг имплементация қилиш ҳоллари – бу суверен давлатларнинг мутлақ хуқуқи бўлиб, бунинг учун улар бу мақсадларда ўзининг ички ташкилий-хуқуқий механизмини ишга солади.

Баъзи бир олимларнинг фикрига кўра, халқаро хуқуқ нормаларини давлатнинг ички қонунчилигига имплементацияси халқаро хуқуқ субъектларининг биргаликдаги ташкилий-хуқуқий фаолиятини тартиба солувчи халқаро хуқуқ нормаларнинг йиғиндиси бўлиб, халқаро мажбуриятларда акс этган мақсадларни амалга оширилишига қаратилган бўлади<sup>2</sup>.

В.Я.Суворова эса “имплементация” термини “амалга ошириш” термининг синоними сифатида тан олинишини, яъни давлатнинг ва бошқа субъектларнинг амалий фаолиятидаги нормаларни татбиқ этилиши билан боғлиқ”, - деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

А.С.Гавердовский имплементация асосида «давлатларнинг мақсадга мувофиқ ташкилий-хуқуқий фаолияти бўлиб, якка тартибда ёки жамоа бўлиб, ёки халқаро ташкилотларнинг доирасидаги ҳаракат сифатида намоён бўлиб, халқаро хуқуқнинг мажбуриятларини зинмасига олган ҳолда уларни ўз вақтида ва

<sup>1</sup> Лукашук И.И. Международно-правовое регулирование международных отношений (системный подход). –М., Междунар. отношения, 1975. –С.10, 16.

<sup>2</sup> Белянская О.В., Путин О.А. Условия имплементации международно-правовых норм в российское законо-дательство // Право и политика. 2005. –№8. –С.104-110.

<sup>3</sup> Суворова В.Я. Обеспечение реализации договорных норм международного права (юридическая природа) // Советское государство и право. 1991. –№9. –С.116.

тўлиқ амалга оширилиши билан боғлиқ ҳаракат», -деб хисоблайди<sup>1</sup>. Айнан шу вақтда С.В.Черниченко “имплементация” терминини может “халқаро ҳуқуқ нормаларини ичкидавлат муносабатларига ичкидавлат ҳуқуқи орқали таъсир кўрсатиш” белгиси сифатида қўллаш мумкин”, - деб хисоблаган<sup>2</sup>.

М.Сассоли таъқидлайдики, “халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишининг усули сифатида бевосита нормаларда мўлжалланган субъектлар томонидан белгиланган қоидаларни бевосита ижро этилишидан иборатдир”<sup>3</sup>. Аммо шуни эсдан чиқармаслик лозимки, “охир-оқибат халқаро гуманитар ҳуқуқнинг мутлақ даражадаги аксарият нормалари учун “адресат” сифатида халқаро шартномада иштирок этувчи давлатнинг давлат органлари ва жисмоний шахслари намоён бўлади”<sup>4</sup>. Халқаро ҳуқуқ нормалари фақатгина халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида ҳукуқий муносабатларни юзага келтиради, аммо ички ҳуқуқ соҳасининг субъектлари ўртасида бундай ҳукуқий муносабатлар юзага келмайди. Шунга биноан халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий сатҳидаги бевосита имплементацияси фақатгина халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмиш ягона бир давлатнинг ҳаракатлари билан мўлжалга етиб бормайди.

Хозирги замон юридик адабиётда имплементация усулларини белгилаш учун ҳар хил терминлардан фойдаланишади, хусусан, трансформация, адаптация, инкорпорация, рецепция, ҳавола этиш<sup>5</sup>, аммо шу билан бирга имплементациянинг ҳар бир усулига оид унинг моҳияти ва тушунчасига оид ягона ёндошувга эга нуктаи назарнинг йўқлиги яққол намоёндир.

Рецепция асосида ички давлат ҳужжатларида халқаро ҳуқуқ ҳужжатларининг муайян матнини, формулировкасини қайд этилиши тушунилади<sup>6</sup>. Унинг халқаро-ҳуқуқ нормларини амалга

---

<sup>1</sup> Гавердовский А.С. Имплементация норм международного права. –Киев: Вища шк., 1980. –С.63.

<sup>2</sup> Черниченко С.В. Международное право: современные теоретические проблемы. –М., Междунар. отношения, 1993. –С.102.

<sup>3</sup> Sassoli M. Mise en œuvre du droit international humanitaire et du droit international des droits de l'homme // Schweizerisches Jahrbuch des Volkerrechts. 1987. Vol. XLIII. –P.34.

<sup>4</sup> Scelle G. Règles générales du droit de la paix // R.C.A.D.I. 1993. Vol. 46. –P.366.

<sup>5</sup> Белянская О.В., Путина О.А. Условия имплементации международно-правовых норм в российское законо-дательство // Право и политика. 2005. –№8. –С.104-110.

<sup>6</sup> Энциклопедический юридический словарь. –М., Инфра-М, 1996. –С.271.

ошириш механизми<sup>1</sup> имплементациядан қуидаги асослар билан фарқланади:

*биринчидан*, имплементации категорияси рецепцияга қараганда кенгроқ мазмунга эга бўлиб, ўз ичига ҳар хил ҳуқуқий ҳоллар(ҳодисалар)ни қамраб олади;

*иккинчидан*, рецепция натижасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг аниқ ўзлаштирмаси ва эҳтимол ҳолларда уларнинг трансформацияси юзага келади, айнан шу пайтда, имплементация қилиш натижасида эса ҳуқуқий элементлар миллий шароитларга кўникишга мажбур ва бунда ҳуқуқий миллий тизимда шаклланган ва мавжуд бўлган ҳуқуқий маданият ва қадриятларнинг ўзига хослигини инобатга олиши шарт;

*учинчидан*, рецепция факатгина давлат сиёсатида намоён бўлиши мумкин ва бундай ҳол сиёсий ҳокимият устида турган субъектларнинг иродаси асосидагина вужудга келиши мумкин. Эслаймиз, Наполеон кодексини, чунки Наполеон ўз иродаси асосида Рим фуқаролик ҳуқуқининг қоидаларини Франциянинг фуқаролик ҳуқуқига бевосита инновациявий тарзда рецепция қилгани кейинчалик бу Кодексдан бошқа Европа мамлакатлари ҳам ўз қонунчилигини ривожлантиришда фойдаланганлар. Наполеон Кодекси ўзига хос муросага келишув Кодекси эди, чунки унда ҳар хил ҳуқуқий манбалардан фойдаланилган – рим ҳуқуки, одатлар, қиролнинг фармонлари, шунингдек инқилобий қонунчиликдан ҳам фойдаланилган. Бундан ташқари, уни тузишда кенг миқёсда ҳуқуқшунослик фанининг ютуклари ҳам қўлланилган. Кодекс ҳар хил табақаларга оид фарқларни ва маълум яратилган имтиёзларни инкор этиб, янги буржуа жамиятининг шаклланишини асоси сифатида хизмат қилган ва ўзининг нормаларида оиласидан муносабатларнинг секуляризацияланишига, фуқаролик муносабатларидаги тарафларнинг тенглигиниа, хусусий мулкнинг дахлсизлигини, фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тузишдаги эркинликни ўрнатган<sup>2</sup>.

Имплементация сўзига эътибор қаратсак унинг вужудга келиши тегишли тарихий-маданий асосларнинг мавжуд бўлиш шароитларида ўзга ҳуқуқий тизимнинг ҳуқуқий элементларини

<sup>1</sup> Зимненко Б.Л. Согласование норм внутригосударственного и международного права в правовой системе России // Московский журнал международного права. 2000. –№4. –С.105.

<sup>2</sup> Кассо Л.А. К столетию кодекса Наполеона. (1804-1904). –СПб., 1904.

адаптация қилиши мүмкін бўлади. “Трансформация” тушунчаси кўп маъноли таърифга эга. “Трансформация” сўзининг келиб чиқиши лотин тилида “*transformatio*”, яъни “бошқа нарсага айлантириш”, демакдир. Шунда бир қатор олимлар трансформация терминининг тўғри шарҳлаш бўйича баҳслашмоқдалар. Чунончи, Л.П.Ануфриева таъкидлайдики, “трансформация” деган ҳолнинг моҳияти давлатнинг ўзини ҳокимият ваколатларидан фойдаланган ҳолда халқаро мажбуриятларини таъминлашдан иборатдир”<sup>1</sup>, И.Н.Барциц ҳисоблайдики, “трансформация бу миллий ҳуқуқий тизимни унга ёд бўлган ҳуқуқий қоидаларини кириб келишидан ҳимоялаш механизмидир”<sup>2</sup>, айнан шу вақтда В.В.Гаврилов “трансформация назарияси ва имплементация назарияси бир биридан сифат жиҳатидан фарқ қиласи ҳам мазкур жараённи асосий мазмунини англаш нуқтаи назаридан ҳамда уни амалга оширишнинг асосий усуллари жиҳатидан ҳам фарқ қиласи”, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

Бир қатор ҳуқуқшунослар трансформацияни халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳаракатга келтирувчи усул сифатида шу усулга ҳавола этиш ва инкорпорацияни ҳам кўшадилар. Чунончи, Л.Х.Мингазов “ҳавола, инкорпорация, трансформация шаклидаги имплементациянинг усуллари ва воситалар тўғрисидаги фикрга эга”<sup>4</sup>. Е.Т.Усенко трансформация тушунчасини кенг маънода шарҳлаб, уни “объектив ҳол сифатида ифодалаб, давлатнинг халқаро мажбуриятларини ҳар хил усулларда амалга ошириш ва асосан давлат томонидан миллий ҳуқуқий хужжатларни чоп этишдан иборатдир”, дейди<sup>5</sup>. Рецепция билан ҳаволани Е.Т.Усенко трансформациянинг бир тури сифатида кўриб, у имплементация турига кирмайди, деб ҳисоблайди. Е.Т.Усенко икки турдаги трансформацияни ажратади: бош ва маҳсус трансформацияни. Бош трансформация, Е.Т.Усенконинг фикрига кўра, давлат томонидан ўзининг ички қонунчилигидаги умумий нормани ўрнатиш ва шу орқали халқаро-ҳуқуқ нормалари учун

<sup>1</sup> Ануфриева Л.П. Соотношение международного публичного и международного частного права: правовые категории. –М., Спарк, 2002. –С.345.

<sup>2</sup> Барциц И.Н. Международное право и правовая система России // Журнал российского права. 2001. –№2. –С.61-70.

<sup>3</sup> Гаврилов В.В. Теория трансформации и имплементации норм международного права в отечественной правовой доктрине // Московский журнал международного права. 2001. –№2. –С.43.

<sup>4</sup> Мингазов Л.Х. Эффективность норм международного права: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. –Казань: 1990. –С.188.

<sup>5</sup> Усенко Е.Т. Соотношение и взаимодействие международного и национального права и Российской Конституция // Московский журнал международного права. 1995. –№2. –С.16.

ички қонунчиликда кучга эга қилиб, уларни ҳаракат қилиш имкониятига эга қиласи. Махсус трансформация эса халқаро ҳуқук нормаларини давлат томонидан ички қонунчиликда ҳаракат қилиши учун уларнинг матнини бевосита қонунда ифодалаб, ёхуд миллий ҳуқукга мослаштириб ёки уларни қўлланилишига розилик беришнинг ўзга йўли билан амалга оширилади ва халқаро ҳуқук нормалари ичкидавлат муҳитида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладилар<sup>1</sup>.

С.В.Черниченко эса, трансформацияни “халқаро ҳуқук нормаларини қўллаш йўли сифатида ифодалаб, бирон-бир давлатнинг унинг ички юридикция соҳасида бирон бир мажбуриятни зиммасига юклатиш билан боғлайди”. Шунда трансформациянинг иккита шакли фарқланади – фактик ва юридик трансформация, бундан ташқари, муаллиф юридик трансформациянинг бешта турларини ажратади: “автоматик тарздаги инкорпорация, ҳавола, индивидуал инкорпорация, адаптация ва легитимация”<sup>2</sup>.

Имплементациянинг кейинги усули сифатида ҳавола намоён бўлади. Ҳавола деганда, халқаро ҳуқук нормаларини қўлланилиши тегишли давлатнинг рухсат бериши (санкцияси) йўли билан (Конституция ёки давлатнинг бошқа Асосий қонуни орқали) умумий ҳавола қилувчи норма ёрдамида амалга оширилади ёки бундай ҳавола қилувчи норма муайян қонун ҳужжатларида акс эттирилиши асосида амалга оширилади. Ҳавола қилувчи нормаларида, у ёки бу ҳуқуқий масала кўрсатилиб, бундай масала халқаро ҳуқук нормалари билан ҳал этилиши ва муайян вазиятларда ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахслар (органлар, ташкилотлар, фуқаролар)га бу тўғрисида билиб, тўғри мурожаат қилиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Шунда мазкур имплементация усулининг энг моҳиятли аломатларини ажратиш мумкин бўлади<sup>3</sup>:

– халқаро ҳуқук нормаларини шундай усулда амалга оширилиши ички давлат ҳужжатини қабул қилинишини истисно қиласи;

<sup>1</sup> Усенко Е.Т. Соотношение и взаимодействие международного и национального права и Российская Конституция // Московский журнал международного права. 1995. №2. –С.16.

<sup>2</sup> Черниченко С.В. Международное право: современные теоретические проблемы. –М., Междунар. отношения, 1993. –С.102.

<sup>3</sup> Международное право / под ред. В.И. Кузнецова, Б.Р.Тузмухамедова. –М., Норма, 2007. –С.248–249.

- халқаро-хуқуқ нормалари ўзининг табиати, таърифини ўзгартирмасдан ҳаракатда бўлади ва шундай ҳаволалар асосида қўлланилади;
- халқаро-хуқуқ нормалари етарли даражада расмий жиҳатдан белгиланган бўлиб, муайян ҳуқуқий муносабатларни тартибга солинишида қўлланилиши мумкин;
- халқаро-хуқуқ нормалари бевосита давлат органларига, ташкилотларга ёки фуқароларга таалуклидир.

Р.А.Мюлперсон таъкидлайдики, ҳаволада “давлат ўзининг миллий қонунчилигига нормани киритиб (ёк бир неча нормаларни киритиб), ўша норма халқаро-хуқуқий нормаларни қўлланилишини ҳавола қиласди, ва мазкур қоида шарофати билан халқаро ҳуқуқ нормалари мамлакатнинг ичидаги ҳаракат қилиб, миллий ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги бўлган муносабатларни тартибга солиш имкониятига эга бўладилар. Инкорпорация ҳолатида давлат миллий ҳуқуқ нормаларини қабул қиласди ва улар халқаро ҳуқуқнинг талабларини бажарилишида қўмак беради”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига шундай усулда имплементация қилиш мисоли сифатида ҳуқуқий ёрдам, даромад ва мол-мулк соликлари юзасидан икки ёқлама соликқа тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги шартномалар хизмат қиласди (мисолан, Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги “Даромад ва мол-мулк соликлари юзасидан икки ёқлама соликқа тортишнинг олдини олиш тўғрисида”ги Келишув (Берлин, 1999 йил 7 сентябрь)<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Истроил Давлати Ҳукумати ўртасида”ги “Икки ёқлама солик солинишининг олдини олиш ҳамда даромад ва сармоя соликларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш тўғрисида”ги Конвенция (Иерусалим, 1998 йил 15 сентябрь, кучга кириш санаси: 1999 йил 9 март куни)<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> Мюлперсон Р.А. Соотношение международного и национального права. –С.58.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/2197736>. Мазкур Келишув 2000 йил 11 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги «Даромад ва мол-мулк соликлари юзасидан икки ёқлама соликқа тортишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Келишувни ратификация қилиш ҳакида”ги №40-сон Қарор қабул қилинди». (Кучга 2001 йил 14 декабряда кирди) // [https://nrm.uz/products?folder=232957\\_soglasheniya\\_ob\\_izbejanii\\_dvoynogo\\_nalogooblojeniya&products=4\\_p\\_rakticheskoe\\_nalogooblojenie](https://nrm.uz/products?folder=232957_soglasheniya_ob_izbejanii_dvoynogo_nalogooblojeniya&products=4_p_rakticheskoe_nalogooblojenie).

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/2159517>. Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 ноябрдаги 472-сонли “Ҳукуматлараро битимларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси учун 1999 йил 9 марта кучга кирган) //

Инкорпорация (лотинча *incorporatio* – ўзининг таркибига киритиш) –ягона бир тўлиқликка ўзининг моҳияти бўйича мустақил бўлган бир ёки ундан қўпроқ асосларни киритишдан иборат<sup>1</sup>. Инкорпорация – халқаро ҳуқуқ нормаларини давлатнинг ички қонунчилигига татбиқ этиш усули бўлиб, у халқаро нормаларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун давлат томонидан янги ички ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш, ўзгартириш ёки мавжуд нормаларни бекор қилишда ифодаланади. Инкорпорация халқаро меъёрлар ўзига хос ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарганда, аъзо давлатлар ўз тизимларига мажбуриятларни мослаштирадиган умумий қоидаларни ўрнатганда ёки бундай нормалар инсон ҳуқуqlари бўйича шартномалар ва конвенциялар каби бутун давлатга қаратилган ҳолда қўлланилади. Инкорпорации имплементация усули сифатида қуйидаги аломатлар билан ажралиб туради<sup>2</sup>:

- шартнома қоидаларини амалга ошириш учун унга мос келадиган ички ҳуқуқий хужжат қабул қилинади;
- халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам ўз моҳиятини ўзгартирмайди, лекин ҳуқуқий муносабатларда халқаро нормаларни амалга ошириш учун қабул қилинган миллий нормалар амал қиласи ва қўлланилади;
- халқаро-ҳуқуқий нормалар умумий характерга эга бўлиб, етарли даражада расмий ишончга эга эмас, шунинг учун тегишли ички нормаларни қабул қилиш зарур;
- халқаро ҳуқуқий нормалар умуман давлатга қаратилган, шунинг учун қайта йўналтириш, яъни халқаро нормаларни амалга ошириш учун қабул қилинган миллий нормалар ички ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ.

А.С.Гавердовскийнинг фикрига кўра, инкорпорациянинг ўзига хос хусусияти шундаки, “миллий ҳуқуқ тизимларига ташқи томондан тегишли халқаро-ҳуқуқий акт нормалари билан мутлақо ўхшаш нормалар киради”<sup>3</sup>.

---

[https://nrm.uz/products?folder=232957\\_soglasheniya\\_ob\\_izbejaniyu\\_dvoynogo\\_nalogooblojeniya&products=4\\_p\\_rakticheskoe\\_nalogooblojenie](https://nrm.uz/products?folder=232957_soglasheniya_ob_izbejaniyu_dvoynogo_nalogooblojeniya&products=4_p_rakticheskoe_nalogooblojenie).

<sup>1</sup> Советский энциклопедический словарь / под ред. А.М. Прохорова. 4-е изд. –М., Сов. энциклопедия, 1988. –С.493.

<sup>2</sup> Советский энциклопедический словарь / под ред. А.М. Прохорова. 4-е изд. –М., Сов. энциклопедия, 1988. –С.493.

<sup>3</sup> Гавердовский А.С. Имплементация норм международного права. –Киев: Вища шк., 1980. –С.63.

Р.А.Мюллерсон тўғри таъкидлаганидек, “Агар давлат ўз зиммасига халқаро-хуқуқий мажбуриятларни олган бўлса ва улардаги нормаларни ички давлат муносабатларини тартибга солишда фойдаланишга мўлжалланган бўлса, миллий хуқуқнинг ёрдам беришининг иккита асосий варианти мавжуд... Давлат ўз ичига олиши мумкин, унинг миллий қонунчилиги ички хуқуқ субъектларини халқаро хуқуқ нормаларида шакллантирилган хуқуқий моделларга ҳавола этувчи норма сифатида намоён бўлади. Ушбу келишув усули одатда ҳавола деб аталади. Иккинчи имконият – давлат томонидан миллий қонунчиликни қабул қилиш. Миллий хуқуқнинг ушбу нормалари халқаро хуқуқ қоидаларини матн жиҳатдан такрорлаши ва уларни аниқлаштириши мумкин. Бундай вазиятда ички қонунчиликнинг янги нормалари киритилганлиги сабабли, бу усул инкорпорация деб аталади<sup>1</sup>.

Имплементация деганда нафақат халқаро ва ички хуқуқ нормалари ва тамойилларининг ҳамда нафақат миллий қонунчиликнинг, балки хуқуқий оилалар ва хуқуқий маданиятларнинг ўзаро таъсир кўрсатиш шакли сифатида ҳам ўзаро муносабатларнинг муҳим шаклларидан бири сифатида тушуниш керак бўлади. Кўпгина олимлар хуқуқий атамалар одамларнинг кенг доираси учун тушунарли бўлиши ва белгиланган хуқуқий ҳодиса ҳақида тўғри ва бир хил тасаввурга эга бўлиши керак деган фикрга қўшиладилар<sup>2</sup>. Имплементация жараёнининг бошланиши объектив ва субъектив сабаблар билан белгиланади. Объектив сабабларга жамият ва давлат таракқиётининг муайян босқичига хос бўлган тарихий шартшароитлар ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарурати, субъектив сабабларга эса сиёсий ҳокимият субъектларининг хатти-харакатлари, уларнинг маълум идеал ва қадриятларга содиқлиги киради, айнан шу асосда имплементация қилиниши лозим бўлган нормалар киради.

Кўпгина олимлар халқаро шартномаларни ратификациясини имплементациянинг асосий шакли сифатида хисоблайдилар<sup>3</sup>. Бундан ташқари, кейинги йилларда қабул қилинган

<sup>1</sup> Мюллерсон Р.А. Соотношение международного и национального права. –С.58.

<sup>2</sup> Нигматдинов Р.М. Проблема правовых понятий и оценочных категорий в гражданском процессуальном праве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Саратов: 2004. –С.21.

<sup>3</sup> Нигматдинов Р.М. Проблема правовых понятий и оценочных категорий в гражданском процессуальном праве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Саратов: 2004. –С.21.

шартномаларда қоидаларининг бажарилишини назорат қилувчи маҳсус органларни ташкил этиш назарда тутилган. Бу йўналишдаги муҳим қадам 1992 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича Монреал протоколида<sup>1</sup> ифодаланган, чунки мазкур ҳужжат бўйича Имплементация қўмитасини ташкил этишни назарда тутган қўшимчалар ҳам қабул қилинган.

1985 йили Р.А.Мюллерсон халқаро ҳуқуқнинг нормаларини миллий ҳуқуқий имплементациясини халқаро ҳуқуқнинг талабларини давлат ҳудудида (ҳаракатдаги миллий ҳуқуқ доирасида) миллий ҳуқуқ нормаларининг ёрдамида амалга ошириш жараёни сифатида белгилаб берди. Миллий-ҳуқуқий имплементация амалда имплементациянинг татбиқ этилиши (амалга оширилиши)ни босқичи бўлиб, халқаро ҳуқуқ учун зарурий юридик заминни яратади<sup>2</sup>. Имплементация халқаро шартномани ратификация қилиниши унчалик шарт эмас. Имплементация натижасида халқаро ҳуқуқдаги тушунчаларни ўзлаштирунг ва миллий ҳуқуқнинг трансформацияси юзага келади<sup>3</sup>. Конун ижодкорининг бу ердаги асосий вазифаси – имплементацияни жараёнга айлантириш ва шу асосда ҳуқуқий тизимни табиий усулда янгилаш, ўзининг ҳуқуқига нисбатан органик таърифга эга бўлган ҳолатга келтиришдан иборатdir.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг имплементация жараёнини иккита асосий қисмга бўлиш мумкин. *Биринчидан*, давлат ўзининг ҳуқуқ соҳасига ҳалқаро ҳуқуқка ҳавола қилувчи нормаларини киритиши мумкин ва бунинг орқибатида охиргиси мамлакатнинг ичидаги ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлади. *Иккинчидан*, халқаро ҳуқуқнинг талабларини бажариб, давлат янги ҳуқуқ нормаларини қабул қилиши, бирон бир қисмини ўзгартириши ёки ҳаракатдаги қисмини ҳаракатдан тутатитиши мумкин, давлатнинг ҳуқуқий тизими ва хусусиятига қараб ҳалқаро ҳуқуқнинг талабларини шунга адаптация этиши мумкин. Имплементация механизми юридик процедуралар ва институтларнинг ўзлаштирунг, шунингдек уларни амалга оширилишининг ҳаракатлари ва методлари билан билан чекланмайди, аммо ўз ичига социал-ҳуқуқий ҳолларни ҳам

<sup>1</sup> Монреальский протокол по веществам, разрушающим озоновый слой. Подписан в г. Монреале 16.09.1987// [https://www.ozoneprogram.ru/ozonovoe\\_zakonodatelstvo/protokol/#:~:text](https://www.ozoneprogram.ru/ozonovoe_zakonodatelstvo/protokol/#:~:text).

<sup>2</sup> Мюллерсон Р.А. Соотношение международного и национального права. –С.58.

<sup>3</sup> Кибальник А.Г. Современное международное право: понятие, задачи и принципы / под ред. А.В. Наумова. –СПб., Юрид. центр Пресс, 2003. –С.195.

камраб олади. Имплементация пайтида миллий тизимга ўзга хуқуқий маданиятнинг компонентлари, бошга хуқуқий қадриятларни қўшилиши (ассимиляция) бўлиши кузатилади. Ва агарда имплементация қилинадиган норма давлатдаги қадриятлар ва қарашларга тўғри келмаса, ҳеч қандай инкорпорация, трансформация ёки адаптация уни ҳаракатда келтира олмайди, ва у давлатнинг хуқуқий тизими томонидан ажратиб олинган бўлиб, амалга ошмай қолади.

Имплементация қилинадиган хоссалар сифатида процедуralар, институтлар, тилнинг фрагментлари, норматив-хуқуқий хужжатлар, принциплар, қадриятлар, хуқуқий ғоялар намоён бўлади. Халқаро хуқуқнинг имплементацияси ички давлат даражасидаги таъсири жиҳатидан миллий имплементация қилиш механизми бўлмиш хуқуқни қўллаш амалиётга боғлиқдир ва унинг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Айнан хуқуқни қўллаш амалиёти халқаро хуқуқни уни қамраб олган атроф-муҳитдаги доимо юзага келадиган ва ўзгарадиган шароитларига мос бўлиши билан боғлик адаптациявий вазифаларни ечиш имкониятига эга. Шунга асосан ўз-ўзидан бажариладиган халқаро хуқуқ нормаларини ва халқаро хуқуқ шартномаларидан келиб чиқувчи миллий хуқуқнинг нормаларини ижро этилишига ва шу билан ўша шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажарилишига пойdevор бўлаолади. И.И.Лукашук мазкур ҳолат бўйича таъкидлаганки: “Нормани қўллаш амалиёти, аниқроқ айтсак, нормани қўлламаслиги унии музлаган ҳолатга келтириб қўйиши мумкин, ваҳоланки у расмий жиҳатдан мавжуд бўлсада, у ўлик нормага айланади. Бошқа тарафдан, амалиёт нормани реал мазмун билан тўлдириб, расмий доирасидан ташқари чиқиб ташлаши ҳам мумкин. Норма – бу субъектларнинг тиришиши асосида хуқуқий воқеликка айланади”<sup>1</sup>. Хуқуқни қўллаш амалиёти компетент органларнинг ҳокимиятга оид фаолияти сифатида индивидуал-муайян талабларни чиқаришга йўналтирилган ва бундай фаолиятнинг амалга оширилиши уни ишланганлик даражасини кўрсатиб, унинг натижасида хуқуқий бошқарув тажрибаси тўпланиб бораверади. Айнан хуқуқни қўллаш амалиёти қўлланилиши лозим бўлган хуқуқий нормани танловини (квалификация қилиниши)ни таъминлаб, халқаро

<sup>1</sup> Кибальник А.Г. Современное международное право: понятие, задачи и принципы / под ред. А.В. Наумова. –СПб., Юрид. центр Пресс, 2003. –С.195.

хуқук ва миллий хуқуқнинг нормаларини у ёки бу вазиятга кўлланилиши билан боғлиқ муаммога нисбатан кўлланилиши ва уни ҳал этилишида фойдали ёрдам беради.

Халқаро хуқуқда имплементация масалалари монистик ва дуалистик назарияга эга.

Монистик назариянинг моҳияти шундан иборатки халқаро хуқуқнинг нормалари бевосита уларни ўзгартирмасдан давлатнинг ички қонунчилигига киритиш мумкинлигини таъкидлайди.

Дуалистик назария эса давлатларнинг халқаро хуқуқ олдида маълум даражада суверенитетга эга бўлган халқаро хуқуқ субъектлари сифатида тан олиб, халқаро хуқуқ нормаларини ички қонунчиликда кўлланилиши учун аввало давлатнинг руҳсати бўлишини ва давлат ўзининг хуқукий мафкурасидан, хуқукий маданият даражасига қараб, у ёки бу халқаро хуқуқ нормаларини ички қонунчиликка киритиш эҳтиёжи бўлганида бундай қоидаларни ўзининг қонунчилигига киритиш имкониятига эга бўлар экан. Дуалистик назария халқаро хуқуқ ва давлатнинг ички хуқуқ муносабатларини давлатларнинг ички манфаатларини устувор қилиб кўрсатиш оғишмасига эга ва ҳар қандай ташқаридан давлатга нисбатан бўлган таъсирларни бу доктрина давлатнинг ички ишларига аралашиш формулировкаси билан малакалаштиради. Собиқ Совет Иттифоқида айнан дуалистик назария тан олинган бўлиб, унинг сиёсати инсон хуқуқларига зид бўлган ҳолларда у айнан Ғарбнинг мамлакатнинг ички ишларига аралашуви сифатида малакалаб, ўзининг сиёсатини давом эттирган, шунинг учун Умумжаҳон инсон хуқуқларининг Декларациясини СССР тан олмаган эди ва уни буржуа мафкурасига тўғри келадиган хужжат сифатида таърифлаган. Фақатгина 1989 йилда қайта куриш бўлганида мазкур Декларация оммавий ахборот воситаларида чоп этилган эди. Совет Иттифоқи тарқаб кетганидан сўнг юзага келган мустақил давлатлар ўзларининг Конституцияларида халқаро хуқуқнинг стандартларини устувор аҳамиятга эгалигини тан олдилар.

Халқаро хуқуқнинг устуворлигини тан оладиган монизм турлари учун умумий хусусият, хусусан, халқаро шартнома имзоланганидан, ратификация қилинганидан ёки еълон қилинганидан сўнг дарҳол давлат учун автоматик равишда

юридик кучга ега бўлишидир (Г.Кельзен, Дж.Кунц)<sup>1</sup>. Бироқ уни миллий ҳуқук тизимиға киритиш учун ҳеч қандай қўшимча тартиб-қоидаларга еҳтиёж йўқ. Кўриб чиқилаётган доктрина доирасида мослашиб ва инкорпорациянинг ўзига хос механизмлари таъкидланган. Биринчиси, муайян масалаларни тартибга соловчи мавжуд миллий ҳуқук нормаларини тузилган халқаро шартноманинг тегишли қоидаларига оддийгина мослаштиришдан иборат. Натижада ички ижтимоий муносабатларнинг бир соҳаси бир вақтнинг ўзида иккита ташқи бир хил норматив-ҳуқуқий хужжат билан тартибга солина бошлайди. Иккинчи механизмнинг моҳияти шундан иборатки, халқаро шартнома ўз таркиби ва мазмунини ўзгартирган ҳолда ички ҳуқук характерини олади. Шу билан бирга, миллий ҳуқуқий хужжатларга матн жиҳатидан бундай халқаро шартнома нормаларига мос келадиган қоидалар киритилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу энг кенг тарқалган дуалистик қарашга кўра (Г.Трипель ва Д.Анцилотти)<sup>2</sup>, халқаро ва миллий ҳуқук тизимлари мустақил бўлиб, бир-биридан устунликсиз, турли текисликларда ишлайди. Шу билан бирга, халқаро ва ички ҳуқук нормалари билан муайян бир хил муносабатларни бир вақтнинг ўзида тартибга солиш имкониятига йўл қўйилади. Расмий равишда, кўриб чиқилаётган тизимлар ҳеч қачон қарама-қаршиликка кирмайди, лекин шу билан бирга, мажбуриятлар тўқнашуви ёки давлатнинг халқаро ҳуқук талабларига риоя қилган ҳолда ички майдонда ҳаракат қила олмаслиги ва бошқалар бўлиши мумкин. Шу асосда юзага келадиган муаммолар, қоида тариқасида, халқаро жавобгарлик институтининг самарали механизми ёрдамида ёки дипломатик музокаралар ва низолар ва зиддиятли вазиятларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг бошқа воситалари орқали ҳал қилинади. Шуниси эътиборга лойиқки, дуализм, халқаро ва ички ҳуқук ўртасидаги муносабатларга етарлича баҳо бермаслик, шунингдек, икки ҳуқуқий тизимнинг, шу жумладан инсон ҳуқук ва эркинликлари масалалари бўйича қарама-қаршиликларнинг моҳиятини юзаки

<sup>1</sup> Hans Kelsen's pure theory of law: legality and legitimacy. Lars Vinx – 2007. –New York: Oxford University Press.; Spence, M. (1973). "Job Market Signalling". Quarterly Journal of Economics, 87, 355-374.

<sup>2</sup> Анцилотти, Дионисио. Курс международного права [Текст] / Пер. с 4-го итал. изд. А.Л.Сакетти и Э.М.Фабрикова; Под ред. и с предисл. д-ра юрид. наук Д.Б.Левина. –М., Изд-во иностр. лит., 1961. - 1 т.; 22 см. (Для научных библиотек).

тушунтиришга қарамай, ҳанузгача бу муаммони очиб беради, чунки мазкур назария уларнинг муносабатларини монизмга қараганда аниқроқ белгилайди. Аммо бунинг иккинчи тарафи ҳам бор, дуалистик назария халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли давлатнинг ички қонунчилигига кириб келиши йўлида жуда кўп тўсиқларни юзага келтириб туради.

Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ соҳасида кўпроқ монистик назарияга асосланади ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш мақсадларида қабул қилинадиган қонунларини халқаро стандартларга мос бўлишига интилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон Савдо Ташкилоти битимларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2024 йил 15 февралдаги ЎРҚ-908-сон Конунида қайд этилдики, “Кейинги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда халқаро ташкилотлардаги тутган ўрнини янада яхшилаш, шунингдек халқаро ташкилотларга қўшилиши бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш долзарб масалалардан биридир. Давлатнинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши шартларидан бири миллий қонунчилик нормаларини Жаҳон савдо ташкилотининг битимларида назарда тутилган нормаларга мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Шу муносабат билан интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспектлари тўғрисидаги битим талабларига асосан “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги (янги таҳрири) ҳамда “Товар белгилари, хизмат қўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунларига ушбу Конун билан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, уларда саноат мулки обьектига бўлган ҳуқуқдан ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини инобатга олган ҳолда, ушбу обьектлар эгасининг розилигисиз фойдаланишнинг аниқ тартибини белгилаш ҳамда товар белгилари бошқа шахслар томонидан инсофсиз тарзда рўйхатдан ўтказилган тақдирда, ҳуқуқларни химоя қилиш учун даъво муддатини чиқариб ташлаш назарда тутилмоқда. Шунингдек,

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўрсатилган Битим талабларидан келиб чиқкан ҳолда, фармацевтика фаолиятидаги клиник синовларга қадар ва клиник синов натижасида олинган маълумотлар эгаларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Қонун билан “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига патент божларининг, шунингдек чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ва бошқа тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун олинадиган давлат божининг миқдорларини бирхиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маҳаллий ва чет эл ишлаб чиқарувчилар учун тенг шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун саноат мулки обьектларининг эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, патент божларининг ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун олинадиган давлат божларининг миқдорларини бирхиллаштиришга, шунингдек миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига уйғунлаштиришга хизмат қиласи”<sup>1</sup>.

Демак, Ўзбекистон Республикасида Жаҳон савдо ташкилотига кириш учун қонунчилигимиз ЖСТнинг стандартлари асосида ижобий тарафга ўзгармоқда. Мазкур Қонунда Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига уйғунлаштиришга хизмат қиласи, - деган жумла ишлатилган. Ушбу жумлада “Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларини имплементация қилинишига хизмат қиласи” деган тушунчани ишлатсак, мақсадга мувофиқ бўлурди. Бу демакки, жаҳон стандартлари тўғридан тўғри равища монистик назария асосида қонунчилигимизга киритилмоқда. Айнан шу жиҳатдан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2024 йил 15 февралдаги ЎРҚ-908-сон Қонуни// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.02.2024 й., 03/24/908/0126-сон.

Жаҳон савдо ташкилотига оид муҳим масалаларга эътибор қаратсак мақсадга мувоғиқ бўлади.

Жаҳон савдосининг ривожланиши нуқтаи назаридан қарасак, жаҳонда қандай омиллар мавжудки, улар шу савдога таъсир кўрсатади?

Мазкур саволга жавоб шундан иборатки, жаҳон савдосига қуидаги омиллар таъсир кўрсатади: технологиялар ва илмий-техник революция; оламдаги демографик вазият; транспорт ҳаражатлари; инвестициялар билан боғлиқ вазият; ресурслардан фойдаланиш имконияти.

Ҳозирги даврда ЖСТ ташкилотининг Бош директори Нгози Оконджо Ивеала оламда бўлган ҳолатни қуидаги жумла билан таърифлади:

“Йиллик (2023 йил учун) Ҳисобот хавотирлик ҳиссини уйғотаяпти, зеро, у “Катта йигирматалик” мамлакатларнинг сиёсий оғишмаси нотўғри йўналиш олганлигидан далолат бермоқда, ваҳоланки бу мамлакатлар савдонинг енгиллаштирилиши учун тегишли қадамларни амалга оширсалар ҳам. Озиқ-овқатлар, ем ва ўғитларга нисбатан қўйилган экспорт чекловлари, хусусан дефицит(етишмовчилик)га, нарҳларнинг кескин ўзгарувчанлиги(волатиллиги) ва келажакнинг мавҳумлигига олиб келмоқда. Оламнинг етакчи иқтисодиётлари бўлмиш “Катта йигирматалик” мамлакатлари ўзининг савдо чекловларини бекор қилиши ва янги тўсиқларни қўйишда вазминликни намоён қилиши лозим, чунки глобал савдо бозорлари очиқ ва у ерда юзага келадиган ҳодисаларнинг оқибатларини чамалаш имконияти мавжуд бўлиб, савдо моллари эса зарур бўлган жойларгача етказиб берилиши лозим.

ЖСТ аъзолари Абу-Дабида 2024 йилнинг февралида ўтказиладиган 13-Вазирлик конференциясига тайёрғалик кўриши даврида, “Катта йигирматалик” мамлакатлари бизнинг шиҷоат билан олиб бораётган курашимиз бўйича тегишли натижаларга эришишда марказий ролни ижро этадилар ва бу натижалар ЖСТни таянч сифатида савдо тўсиқларига қарши курашда янада мустаҳкамлайди ва глобал ўсиш ва ривожланишни рағбатлантиради”, – деди ЖСТнинг Бош директори<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>Выступление Генерального директора ВТО Нгози Оконджо Ивеала 7 декабря 2023 года//<https://www.wto.org/index.htm>.

Кўриниб турибдики, ЖСТнинг фаолиятида Вазирлик конференцияси ниҳоятда катта роль ўйнайди, чунки мамлакатлар бундай конференцияларда жаҳондаги савдода бўлган муаммолар мухокама қилиб, уларнинг ечимини топишга ҳаракат қиласиди. Бу борада албатта табиий савол юзага келади: жаҳондаги савдонинг асосий қоидалари нималардан иборат?

Жаҳондаги савдо қоидалари қуидагилардан иборат:

жаҳон савдосини тартибга солиниши аксарият ҳолларда тарифларни қўллаш методи орқали амалга оширилади;

савдо жараёнида сон ва бошқа параметрлар бўйича ҳар қандай чекловлардан воз кечиш принципи амалда қўлланилади;

савдо сиёсатининг олиб борилиши шаффоф шароитларда олиб борилади;

савдо баҳсларини ҳал этилиши маслаҳатлашув ва музокаралар орқали олиб борилади.

Қандай йўл билан Жаҳон савдоси жаҳон хўжалигига кўмак беради?

Жаҳон савдоси мамлакатларни, минтақаларни, соҳаларни ҳалқаро савдо муносабатларда иштирок этишига кўмаклашади;

Жаҳон савдоси орқали янги билимлар, тажриба алмашувлар, янги савдо молларининг турлари, технологиялар ва фандаги ютуқлар бутун дунёга тарқалади.

Хозирги даврда ҳалқаро савдода қандай маҳсулот ёки савдо моли энг юксак қадриятга эга бўлган?

Бу борада энг қимматли савдо моллари ичida биринчи ўринда металлардир, чунки улар ҳам ташқи савдода ҳам ички савдода юксак қадриятга эга бўлган савдо обьектига айланган. Айниқса камёб металлар ҳам технологик ривожланишда улкан роль уйнайди. Аввал бундай қимматли обьект сифатида чорва моллари саналган.

Савдонинг турларига назар солсак, улар стационар савдо, ностационар савдо, масофавий савдо ёки намуналар бўйича савдо, Интернетдаги савдо, комиссион савдо, бозорлар, ярмаркаларга бўлинади. Ярмаркаларга келсак, уларнинг ичida энг ҳашаматли ярмарка Кантонда ўтказилади.

Уни кўпинча Хитойнинг саноати бўйича Бош кўргазмаси ва Хитойнинг ташқи савдо сиёсатининг барометри деб аташади. Мазкур ярмаркани ўтказиш жойи – Осиёда энг йирик кўргазма ва олам бўйича учинчи ўринни эгаллаган “Пачжоу” Кўргазма

маркази. Ярмарка Гуанчжоу шаҳрида (Гуандун вилояти, Жанубий Хитой) йилда икки мартда баҳорда ва кузда ўтказилиб, унда иштирок этувчи мамлакатлар ниҳоятда катта сармояли савдо шартномаларини тузишга муваффақ бўладилар.

Шу муносабат билан жаҳон савдо томонидан қандай муаммоларни ҳал қилиши билан боғлиқ саволга ҳам жавоб берамиз. Гап шундаки, ЖСТнинг олдида турган муаммолар ичида: ривожланаётган мамлакатларнинг иктисодий ўсишига оид прогнозларнинг хилма-хиллиги ва уюшмаганлиги; доимий инқирозларни учраб туриши оқибатида мамлакатларда йирик тузилмавий ўзгаришларни амалга оширилишини кечикиб бориши; глобал савдонинг фрагментлашуви; кам даромадга эга бўлган мамлакатларнинг фрагментлашув жараёнида ниҳоятда ожиз ва ҳимояланмаган ҳолга келиши. Чунончи, Халқаро Молия Фондининг раҳбари К.Георгиева 2023 йилнинг январъдаги Ҳисоботи бўйича таъкидладиларки халқаро савдонинг фрагментлашуви жаҳондаги ўсиш суръатларини ЯИМ даражасида 7 фоизга бир неча йил давомида пасайтириши мумкин<sup>1</sup>.

Бундан ташқари жаҳон савдосига баъзи бир минтақаларда юзага келган ҳарбий тўқнашувлар ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда<sup>2</sup>.

Жаҳон савдосига таъсир қилувчи салбий хатарлар тўғрисида гапирсак улар қуидагилар билан боғлиқ:

Савдога салбий таъсир кўрсатувчи жараёнлар асосан “G-7” ва “G-20” мамлакатлари билан бевосита боғлиқдир;

Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан “Brexit” референдуми асосида чиқиб кетиши мазкур мамлакатда иш курувчи хорижий компанияларни унинг бозоридан чиқиб кетиш хатарини юзага келтириб, Европа мамлакатлари билан эски савдо тарифлар эса бекор қилингани савдо сиёсатини қайтадан ўйналишини ўзгаришига олиб келади;

АҚШда 2016 йилнинг ноябрида Д.Трамп АҚШ Президенти бўлиб сайланганидан бошлаб, савдо сиёсатини тубдан ўзгартириб юборди ва унинг ҳаракатлари протекционистик талаблар билан боғлиқ бўлиб, транс-миллий корпорацияларни ташки

<sup>1</sup>Глава МВФ назвала три проблемы мировой экономики//<https://www.vedomosti.ru/economics/articles/2023/04/10/970307-mvf-nazvala-tri-problemi>.

<sup>2</sup> Экономика Израиля упала почти на 20% из-за войны с ХАМАС//<https://newshub.uz/archives/28827>.

бозорлардан ички АҚШ бозорлариға қайтаришга урунди. Бундан ташқари у Мексика билан савдо сиёсатини мураккаблаштириб, импорт қилинадиган Мексика савдо молларига қўшимча 20 фоизли бож тўловларини қўшиб қўйди;

Хитой юанини девальвацияси мамлакатнинг ташқи савдо балансини ижобий сальдо миқдорини тобора ўсиб боришига олиб келди, аммо АҚШ билан бўлган савдо муносабатларига салбий таъсир қилди<sup>1</sup>. Ушбу муаммо 2015 йилда юз берган бўлса ҳанузгача мазкур масала ҳал қилинмаган ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ЖСТ олдида талайгина муаммолар туриди ва уларнинг ижобий ечими бевосита оламда тинчлик, тотувлик ва мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни тобора ривожланиши билан боғлиқдир.

**Туляганов Абдуманноп Абдужабборович,**  
юридик фанлар доктори, профессор  
(ЎзФА Давлат ва ҳукуқ институти),  
**Тургунов Муҳаммадбобур Абдусалом ўғли,**  
мустақил тадқиқотчи (ЎзФА Давлат ва ҳукуқ институти)

### **Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш – давр талабидир**

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундаи салтанатнинг шукухи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони хисобланади.

Ҳар қандай демократик ислоҳотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

**Қонун устуворлиги** – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувоғиқ бўлиши шарт, деганидир.

---

<sup>1</sup> Сальдо торгового баланса Китая. URL: <https://ru.investing.com/economic-calendar/chinese-trade-balance-466> (дата обращения 16.06.2017).